

**METHODS OF ORGANIZING STUDENTS' EXTRA-CURRICULAR ACTIVITIES IN  
"INFORMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGIES" USING SOCIAL NETWORKS**

Gulhayo Bokhodirovna Kuzmanova

Chirchik State Pedagogical University, Faculty of Elementary Education

Senior Teacher of the Department of Primary Education Methodology

**ABSTRACT**

In the article, the organization of independent educational activities of students based on innovative technologies, i.e., using educational programs, is given great importance in general secondary schools of our country. The main goal of this is to form and develop the competence of students in "Informatics and information technologies" in general secondary schools.

**Keywords:** independent, student, teacher, competence, informatics, e-learning, platform, interactive, teaching, education, circle.

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙӢ ТАРМОҚЛАР ВОСИТАСИ “ИНФОРМАТИКА ВА  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИДАН ДАРСДАН ТАШҖАРИ ЎҚУВ  
ФАОЛИЯТИНИН ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

Қузманова Гулҳаё Боходировна

Чирчиқ давлат педагогика университети

Бошланғич таълим факултети

Бошланғич талим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида инновацион технологияларга асосланган, яъни ўргатувчи дастурлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга кенг кўламда аҳамият берилмоқда. Бундан асосий мақсад умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқувчиларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

**Калит сўзлар:** мустақил, ўқувчи, ўқитувчи, компетентлик, информатика, электрон таълим, платформа, интерфаол, ўқитиш, таълим, тўгарак.

Умумтаълим мактабларида 45 дақиқа дарс ўтказилади. Бунда ўқувчи баъзи фанларни ўзлаштира олмайди. Бу муаммони бартараф этиш учун талабаларнинг дарсдан ташқари таълим фаолиятини, яъни мустақил таълим фаолиятини самарали ташкил этиш методикасини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун ўқувчиларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш зарур.

Мустақил таълим ўқувчилар томонидан бирор бир фандаги бериладиган мавзуларнинг бир қисмини мустақил ўзлаштирилишидир. Мустақил таълим қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- 1) бевосита синфда ўтиладиган дарсларни ташкил этиш вазифаларни бажариш жараёнида;
- 2) ўқитувчининг дарс жадвалидан ташқари вақтда ўқувчиларга маслаҳатлар бериш, ижодий ёндашувли мулоқот ҳамда индивидуал топшириқ қабул қилиш ва бошқалар;
- 3) ўқувчиларнинг ўқув ёки ижодий топшириқларни ахборот ресурс марказида ва уйда бажариш жараёнида.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг “информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мустақил таълимини самарали ташкил этиш учун ахборот-коммуникатсия технологияларининг турли воситаларидан фойдаланиш мумкин. Хусусан, электрон курслар, электрон таълим тизимлари, электрон ўқув-услубий мажмуалар, видео маъruzалар, веб-семинарлар, ўргатувчи дастурлар, интерактив электрон тренажёрлар, виртуал таълим технологиялари, электрон тестлар ва бошқалар. Бу воситалардан ташқари, ҳозирги вақтда замонавий ва ихчам мобиль технологиилар, ахборот-таълим муҳитлари, ахборот-таълим платформалари ҳисобланади. Ўқувчиларни мустақил таълимини ахборот-таълим платформалари асосида ташкил этишда биринчи навбатда муайян вақт ва жойга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўқув-маълумотларини ўрганилади. Бу сизни ўрганишингиз керак бўлган маълумотларни олишга имкон беради.

Таълим олишнинг замонавий усулларидан бири, бу ахборот-таълим платформалари асосида таълим олиш бўлиб, у кун сайин ривожланиб бормоқда.

Бу борада хорижнинг ривожланга давлатларида умумий ўрта таълим мактабларнинг мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида масофавий ўқитишга мўлжалланган ахборот-таълим платформалари яратилиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбия жараёнида кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда. Илмий-услубий манбаларга асосланадиган бўлсақ, ахборот-таълим платформалари асосида бугунги кунда АҚШда 1,3 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Шунингдек, Канада, Германия, Буюк Британияда, Испания, Малайзия, Швейцария, Франция, Австралия, Туркия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Россия каби мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларидан умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланилмоқда.

Буюк Британияда мактаб ўқувчилари мустақил ўқув фаолиятини глобал тармоқдаги ахборот-таълим муҳитларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Мактаб ўқувчиларининг мустақил ўқув фаолиятида ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиш Буюк Британияда 65 %, Испанияда 62 %, Малайзия, Швейцария, Францияда 60 %, Австралия, Туркия, Финландияда 54 % Япония, Хитой, Жанубий Корея давлатларида 85 % дан юқори, Руминия, Венгрия, Қозоғистон давлатларида 30 %, Россия давлатида эса 56 % атрофид фойдаланиб келинмоқди.

Шу боис, ўқитувчи ўқитишнинг зарурӣ шакли бўлган уй вазифалари ва дарсдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг муайян кўнишка ва малакаларини эгаллашларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Дарсдан ташқари ўқув фаолияти - бу ўқитувчи ва ота-оналар томонидан ўқувчиларнинг дарсдан ташқари турли хил фаолият турларини ташкиллаштириш, улар учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиб беришдир.

Бугунги кунда аксарият ўқувчилар дарсликлардан тўғри фойдаланишни билмайди, бაъзи ўқувчилар дарсликда берилган топшириқ ва мавзуларни ёдлаб оладилар, бაъзи

мавзуларни юзаки ўрганадилар. Натижада, ўқувчилар, ушбу фанни тұлық ўзлаштириш имкониятига эга бўлмайди. Бу борада Ж.О.Толипованинг фикрига кўра, уйга берилган топшириқлар ўқувчининг фикр юритишини фаоллаштирадиган, унда мустақил ишлашга қизиқиш ўйғотган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун эса дарсдан ташқари ўқув фаолиятига интерфаол ўқитиш воситаларини киритиш ва улардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш тақозо этилади.

Интерфаол ўқитиш усулининг маъноси шундаки, бунда ўқув жараёни шундай ташкил қилинадики, барча ўқувчилар билим олишга жалб қилиниши, тушуниш ҳамда ўзаро фикр алмашиши ва уларни баён қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Интерфаол ўқитиш усуслари қўлланилганда ўқувчилар танқидий фикр юритиш, ахборот манбалари ва вазиятни таҳлил қилиш, муракқаб муаммоларни ҳал этиш ва шунга асосланган холда хulosалар чиқариш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, таълим олиш жараёнига ўқувчиларнинг биргаликда қўшаётган ҳиссаси, уларнинг ҳар бир ғоялари, олинган билим, кўникма ва малакалари билан бирга ифодаланади.

Бу борада М.Х.Лутфиллаевнинг фикрига кўра, интерфаол ўқитиш турларидан бири, бу компьютернинг педагогик дастурий воситаларидан фойдаланиб ўқитиш усулини киритиш мумкинлиги ҳақида фикр юритган.

Шунинг учун тадқиқот доирасида, 8-синф Информатика ва ахборот технологиялари фанидан мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Интернет тармоғида ижтимоий тармоқлар воситасида Информатика ва ахборот технологиялари фанидан мустақил ўқув фаолияти учун қуидаги имкониятларни яратади:


- индивидуал таълим олишни таъминлайди;
- муракқаб маълумотларни қўриб ўрганиш;
- исталган вақт ва жойда мустақил таълим олиш;
- фанга оид билимини онлайн баҳолаб қўриш;
- мавзуларга оид маълумотларни визуал ва 3D қўринишида ўрганиш;
- онлайн шаклда ўқитувчидан маслаҳат олиш.

Бунда ўқувчининг фанга бўлган қизиқишини ошиши, фикрлаш доирасининг кенгайтиришга ёрдам беради ҳамда Информатика ва ахборот технологиялари фанини интеграцияси таъминланади. Натижада, Информатика ва ахборот технологиялари фанидан креатив фикрлаши ошади.

Ижтимоий тармоқлар воситасида тўгарак машғулотларини олиб боришнинг ахборот-таълим платформаси – бу мажмуавий тизимга мўлжалланган ўргатувчи муҳит бўлиб, ўқувчилар томонидан талаб қилинадиган билим даражасини назорат қилишга қодир бўлган муракқаб тизимга мўлжалланган таълим муҳити. компьютер визуализацияси ёрдамида фаолият қидиришни симулятсия қилиш, интерактив тескари алоқа ва сервис хизматидан фойдаланиш имкониятини беришига мўлжалланган муҳитdir. Бунга график, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видео, фото ва бошқа ахборотлар жойлаштириш мумкин.

Тадқиқот доирасида яратилган ижтимоий тармоқлар воситасида тўгарак машғулотларини олиб боришнинг ахборот-таълим платформаси 8-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқувчиларнинг ўқишига қизиқиши орттиради, таълимнинг

интерактив хусусияти асосида уларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ва ўқув материалларининг самарадорлигини оширади. Шунингдек, анъанавий ва масофавий таълимни ўқув-услубий таъминлашнинг самарали интегратсиясини таъминлаш, ўқувчиларда мустақил изланишлар, муаммоли масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш орқали таълимга оид маълумотларни топиш кўникмаларини шакллантириш. Ушбу ахборот-таълим платформасидан фойдаланиш алгоритми 2.3.2-расмда келтирилган.



**2.3.2-расм. Ижтимоий тармоқлар воситасида тўғарак машғулотларини олиб боришнинг ахборот-таълим платформасидан фойдаланиш алгоритми.**

Платформанинг “Тўғараклар” бўлимида фан тўғараклари ва уларнинг номлари келтирилган. Ўқувчилар учун ҳар бир фан тўғарак мавулирига доир маъruzalар, ведио ва аудио материаллар линклари келтирилган бўлиб ўқувчилар YouTobe ижтимоий тармоғи орқали материаллардан фойдаланиши ҳамда тест топшириқлари ўқувчиларнинг коммуниктив билим, кўникмаларини ва малакалар шакллантириш, компетенцияларини ривожлантиришга мўлжалланган электрон таълим воситаси бўлиб, синов вақтида назорат обьекти ҳисобланади, “Фойдали маълумотлар” бўлимида ўқувчилар таълимга доир

қизиқарли фактлар, асосида ўрганиш қўникмаси асосини ташкил этувчи универсал ўқув ҳаракатларни шакллантиради. Амалий лойиҳалар, ўқувчиларнинг компьютернинг амалий ва инструментал дастурларнинг имкониятларини янада чуқурроқ ўзлаширишга, натижада компьютернинг замонавий амалий ва инструментал дастурлари билан ишлаш малакаларини ривожлантиришга олиб келиши асосланди. Тажрибамиз шуни кўрсатадики, ҳар бир ўрта мактаб ўқувчиси келгусидаги ўқув фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларига оид билим, қўникма ва малакаларни эгаллашга интилади.

#### **REFERENCES**

1. J.Talpin. Move Fast and Break Things:How Facebook,Google, and Amazon Cornered Culture and Undermined Democracy. N.Y.:Little, Brown and Company, 2017.320 p.
2. A.G.Dijk. Van The Network Society. Thousand Oaks, CA.: Sage Publications Ltd, 1999.272 p
3. J.M.Nemo. LinkedIn Ricles: How to use LinkedIn for Business, Sales and Marketing!Jumeirah Bay:CreateSpace Independent Publishing Platform,2014.124 p.
4. Gulhayo Bakhodirovna Kuzmanova, Approaches of mathematical and pedagogical scientists in the teaching of textual problems in general secondary schools. Current research journal of pedagogics 2(8): 80-83, August 2021 DOI:
5. Quzmanova G.B (2021) Umumiy o'rta ta'lim maktablarida matnli masalalarini ta'limiy. Academic Research in Educational Sciences, 2(3), 1154-1159.